



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2019 йил «3» сентябр

№ 558/15

Боғот шаҳарчаси

Нусха № \_\_\_\_\_

Фуқаро Матчанов Фахриддин  
Бекчановичнинг турар жой биносига  
бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот шаҳарчаси Абу Райхон Беруний маҳалласида яшовчи фуқаро Матчанов Фахриддин Бекчановичнинг Абу Райхон Беруний маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2019 йил 2 майдаги ХО-М-2020-сонли аризасини, Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2019 йил 16 августдаги 6468-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот туман ҳокимининг 2010 йил 24 июндаги № 362к-сонли қарорига, 2003 йил 18 октябрдаги Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот шаҳарчаси Абу Райхон Беруний маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 114,61 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 184,43 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 299,04 квадрат метр, қурилиш ости майдони 334,80 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Матчанов Фахриддин Бекчановичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгаллик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Матчанов Фахриддин Бекчановичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар

билан келишмаган холда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Матчанов Фахриддин Бекчановичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев